

Шайтон васвасаси



20:08 / 05.11.2018 5044

Савол: Баъзан Шайтон “Аллоҳ ҳамма нарсани яратди, Уни ким яратди?” - деб васваса солади. Бунинг жавоби нима?

Жавоб: 1. Аллоҳ мавжудлигининг аввали йўқ, азалдан мавжуддир. Абадгача мавжуд бўлади. Кейин пайдо бўлган нарсанинг бошланғичи ва яратувчиси бўлади. Ўша яратувчи Аллоҳдир. Аллоҳ кейин пайдо бўлгани йўқ, У Аввалдир ва яратувчиси ҳам йўқ.

2. Бу савол давр мезонига, яъни икки нарсанинг бир-бирига асосланиши, тўхталишига олиб келади. Бу эса бутун мантиқ ва фалсафий илмларга кўра ботилдир. Масалан, олдин товуқ пайдо бўлганми ё тухумми? Аввал товуқ десак, “товуқ қаердан пайдо бўлди?” деган савол пайдо бўлади. Аввал тухум пайдо бўлди десак, “тухум қаердан пайдо бўлди?” деган савол пайдо бўлади. “У тухумдан, тухум эса яна товуқдан”, деб мунозаралар

чексиз давом этаверади. Саволни бир жойда тўхтатишга мажбурмиз. Ё “Аллоҳ аввал тухумни яратган”, ё “товуқни яратган”, деб бири тайин қилинади. Акс ҳолда, натижа чиқмайди. Ҳамма нарсани яратган бир Аллоҳ бўлса, уни ким яратди? Кейин унисини ким яратди? Кейин олдингисини ким яратди? деб сўрайверсак, занжир чексиз давом этаверади. Мантиқан бу занжирни узиш керак. Бунинг учун энг охирги: “Уни ким яратди?” деган саволга Аллоҳ яратди десак, занжир узилади.

3. Аллоҳ яратилмаганлиги учун Илоҳдир. Унинг ўзи яратувчидир. Агар бошқаси томонидан яратилганида, Илоҳ эмас, махлуқ бўлиб қоларди. Аллоҳ қоим биззот, яъни ўз зотида қоимдир, мавжудлигида бир нарсага муҳтож эмасдир.

Поезд мисоли: кетаётган бир поездга қаранг. Энг охирги вагон нимага уланган? Ўзидан олдинги вагонга уланган. Униси нимага уланган? Униси ўзидан олдингига уланган... юзта вагон – ҳаммаси бир-бирига уланган. Сиз ҳеч қачон: “Энг олдинда бутун вагонларни тортиб кетаётган моторли локомотив нимага уланган?” – деб сўрайсизми? Сўрамайсиз, чунки моторли локомотивнинг ўзи ҳаракатланувчи, бошқасига муҳтож эмас. “Локомотив нимага уланган?” – деб сўраш аҳмоқлик бўлгани каби “Аллоҳни ким яратди?” – деб сўраш ҳам ақлсизликдир. Аллоҳ вожибул вужуд, яратилмагандир. Унинг аввали ва охири йўқдир.

Сонлар мисоли: Бир даҳрий Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳдан сўради: “Бошланиши ва охири йўқ нарса мавжуд бўлиши мумкинми?” Абу Ҳанифа унинг Аллоҳ ҳақида сўрамоқчилигини тушуниб: “Беш рақамини қайси рақам пайдо қилди” – деб сўради. Даҳрий: “Тўрт”, – деди. Абу Ҳанифа: “Тўртни-чи?” – деди. У: “Уч”, – деди.

– Учни-чи?

– Икки

– Бир.

– Бирни-чи?

– Бир рақами аввалдир, ундан олдин рақам йўқ.

– Аллоҳдан олдин ҳам бирон нарса бўлмаган, у азалий ва абадийдир.

4. Ақл билим калити бўлиб, унинг ишлаш доираси чеклидир. Метафизика ва коинот орти унинг ишлаш доирасидан ташқаридадир. Шунинг учун ақл

Аллоҳнинг ҳақиқатини билишга қодир эмас. Булар ақлга хилоф эмас, ақл орти, унинг кучи етмайдиган нарсалар, дейилади. Аллоҳ пайғамбарлар орқали ўзи ҳақида нимани билдирган бўлса, инсон шуни била олади.

“Соғлом эътиқод - мўминга нажот” китобидан